



АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

и.ф.н., доц. **Улашев Хуббим**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0006-4176-9918

hubbimulashev@gamil.com

Аннотация. Ушбу мақолада аҳоли турмуш даражасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга ошириш учун олдиндан тезкор чоралар қўриш заруриятини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги замон илмий техникасида яратилган автоматлаштирилган бошқарув тизимларидан фойдаланиб, аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш жараёнлари моделини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу моделнинг аҳоли турмуш даражасининг тўғри тақсимотини яратишдаги ўрни бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: аҳоли, турмуш даражаси, ҳудудий ривожлантириш, моделлаштириш, демографик жараён, меҳнат ресурслари, аҳоли истеъмоли, хизмат кўрсатиш.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПРОЦЕССОВ ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

к.э.н., доц. **Улашев Хуббим**

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье рассматривается проблема повышения уровня жизни населения. Учитывая необходимость принятия государством упреждающих мер по реализации мер социальной защиты населения, вносятся предложения и рекомендации по разработке модели процессов повышения уровня жизни населения с использованием автоматизированных систем управления, созданных с применением современных научных технологий, и раскрывается роль этой модели в формировании справедливого распределения уровня жизни населения.

Ключевые слова: население, уровень жизни, региональное развитие, моделирование, демографический процесс, трудовые ресурсы, потребление населения, оказание услуг.

WAYS TO IMPROVE THE STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION BASED ON THE DIGITALIZATION OF TERRITORIAL DEVELOPMENT PROCESSES

PhD, assoc. prof. **Ulashev Khubbim**
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article examines the problem of improving the population's standard of living. Given the need for the state to take proactive measures to implement social protection measures, proposals and recommendations are made for developing a model for improving the population's standard of living using automated control systems created using modern scientific technologies. The role of this model in shaping an equitable distribution of living standards is explored.

Keywords: population, standard of living, regional development, modeling, demographic process, labor force, population consumption, provision of services.

Кириш.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини янги марраларга кўтариш, аҳоли турмуш даражасини янада ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бозор ривожини рақобат курашининг таъсири остида бир томондан, ривожланиши, иккинчи томондан ишсизликнинг ўсиб бориши, камбағалликнинг пайдо бўлиши билан амалга ошади. Иқтисодий танловга асосланган бозор тақсимот муносабатлари тенгликни инкор этиб, тенгсизликни тасдиқлайди. Бу тенгсизлик нормал ҳолат бўлиб, юқори даромад учун ҳаракат қилишга интилишни кучайтиради.

Шу билан бир қаторда давлат ихтиёридан даромад олувчилар сонини камайтириб, балки кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни юксалтириш, қишлоқ хўжалигини ҳудудий ривожлантиришда фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, даромадни асосини тадбиркорликдан олиш, аҳолини бозор шароитига мослаштириш, Республикамиз иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланмоқда. Бундай шароитда аҳоли турмуш даражасини ҳудудий ривожлантириш ва уни барқарорлигини бошқаришнинг амалий масалаларини ҳал этиш учун, аҳолининг бугунги кундаги турмуш даражаси ҳолати ва уни ривожлантириш, моделлаштириш, демографик жараёнларни ва меҳнат ресурсларини прогноз қилиш, аҳолини истеъмоли ва талаби даражаси, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, бозор шароитида аҳоли даромади шаклланишини асослаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ривожлантиришни моделлаштириш орқали асослашга тўғри келади.

Бундай ишларни амалга оширишда аҳолини турмуш даражасини ривожлантириш зарурати туғилади. Моделлаштириш учун мураккаб ва кўп вариантли такрорланувчи ҳисоб-китоблар олиб боришга тўғри келади.

Шу боисдан бозор муносабатлари шароитида аҳолини турмуш даражасини ривожлантириш ва уни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга ошириш учун олдиндан тезкор чоралар кўриш заруриятини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги давр замонавий техникасида яратилган автоматлаштирилган бошқарув тизимлардан фойдаланиб, аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш жараёнлари моделини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодиёт бўйича 1974 йилда Нобел мукофотининг лауреати австриялик олим Хаек (2005) рақобат – унинг ёрдамида инсонлар билимларни эгаллайдиган ва бир-бирларига мазкур билимларни узатадиган жараён эканлигини таъкидлайди. Унинг

фикрича, фақатгина рақобат туфайли бозорда мавҳум бўлган барча нарсалар ошкоралик касб этади.

Профессор Муҳаммедов (2018) раҳбарлигидаги “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси жамоаси томонидан тайёрланган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади”, деб таъриф берилган.

Ўлмасов ва Ваҳобовлар (2006) фикрича “Рақобат – бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатларини юзага чиқариш учун бир-бири билан кураши, уларнинг ўзаро беллашувидир”. Шунга яқин таърифни Юсупов ва Эргашходжаевалар (2013) келтириб, “Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларини тўлароқ юзага чиқариш, яъни яхши даромад топиш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, ўз қобилиятини намоён этиш ва имиж (обрў- эътибор)га эга бўлиш учун бошқалар билан кураши” - деб эътироф этишган. Келтирилган таърифларда рақобат тушунчасига ўз манфаатларини юзага чиқариш учун кураш сифатида қаралган.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса “Рақобат деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларини кўпроқ сотиш, юқори фойда олиш ва нафлиликка еришиш учун иқтисодий манфаатларининг тўқнашишида бир хил иқтисодий эркинликнинг таъминланганлиги тушунилади” (Qudratov, Abdulkarimov va boshqalar., 2016), деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012-йилдан кучга кирган “Рақобат тўғрисида”ги қонуни (2021)нинг 4-моддасида: “рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт шaroитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди” (Xalq so'zi, 2012), - деб таъриф берилган.

Яшинанинг (1997) фикрига кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ўзгарувчан рақобат шaroитларига мослашиш имкониятлари ва динамикаси сифатида талқин қилинади. Биз, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигини корхонанинг муайян ички тузилмаси ҳолати (потенциал рақобатбардошлик) ва унинг рақобат муҳитининг ташқи таъсирларига жавоби (реал рақобатбардошлик)ни тавсифловчи корхонанинг рақобат салоҳиятини белгилаб берувчи умумлаштирувчи, комплекс кўрсаткич сифатида баҳолайди.

Сафиуллин, Сафиуллин (2008) рақобатбардошликни ишлаб чиқариш муносабатлари тизими элементлари ўртасидаги хўжалик фаолиятининг мақбуллиги ва фойдалилигини таққослаш борасида, уларнинг бозор муносабатлари тизимида рақобатга бардош бериш қобилияти сифатида ифодаланган алоқалар, деб таърифлайди. Кенг маънода иқтисодий соҳада рақобатбардошлик иқтисодий беллашувда иштирок этаётган субъектнинг устунлигини таъмин этувчи жиҳатларга эга бўлишини англатади, зеро мазкур жиҳатлар рақобат курашининг турли субъектлари - маҳсулот турлари, корхоналар (товар ишлаб чиқарувчилар), тармоқлар ва мамлакатга хос бўлиши мумкин.

Фатхутдинов (2008) ўз тадқиқотларида рақобатбардошликни “бозорда таклиф этилаётган ўхшаш объектларга нисбатан таққослаганда муайян бир эҳтиёжни қондириш даражасини тавсифловчи объектнинг хусусияти” сифатида таърифлайди. Рақобатбардошлик хусусиятига эга бўлган объектлар тўпламига муаллиф маҳсулотлар билан бир қаторда ҳуқуқий-меъёрий, илмий-услубий, лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари, технология, ишлаб чиқариш, персонал, қимматли қоғозлар, инфратузилма (атроф - муҳит) ва ахборотлар киритади.

А.А.Воронов, М.Гелвановский, И.Трофимова, Ю.Я.Еленева ва бошқалар иқтисодиётда рақобатбардошликнинг кўп даражали эканлигига алоҳида эътибор қаратганлар. Биз россиялик иқтисодчиларнинг рақобатбардошлик муаммоси ҳар томонлама, ўзаро боғлиқ бўлган “мамлакат ҳудуд-корхона-махсулот рақобатбардошлиги” тизимида ўрганилиши лозим, деган фикрларини қўллаб-қувватлаймиз (Гапоненко, Панкрухин, 2001).

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот ишида билиш назариясининг мантикий ёндашув, индукция ва дедукция, қиёсий ва омилли таҳлил, замон ва макон, таққослаш, монографик кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Аҳоли турмуш даражасини ҳудудий ривожлантириш жараёнларини моделлаштиришда автоматлаштирилган ахборот базасини яратиш учун, имитация кўрсаткичлар ҳамда бошқаришнинг иқтисодий математик моделлаштириш услублари қўл келади. Чунки мураккаб иқтисодий моделлар орқали жараёнларни баён қилиш амалиётда яхши натижа бермайди. Ҳаттоки ўта мураккаб бўлиб кетган моделдан амалда фойдаланиб ҳам бўлмай қолади. Имитацион моделлаштириш тизимда жараённи қандай кечиши тизимнинг қандай ҳолатда эканлигига боғлиқдир. Ҳақиқий тизимнинг турли шароитларда ўзини тутишини кузатиш, мумкин бўлган вариантларни тажриба усулида синаб кўриш кўп ҳолларда оғир кечади ёки умуман мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда жараённинг имитация модели қўлланилади. Жараённинг имитация модели тузилгандан сўнг, модел тизимининг бошланғич ҳолатига кўп марта қайтиб, шароитни ўзгариши моделга қандай таъсир этишини кузатиш мумкин.

Имитация модел - ўрганилаётган тизимнинг машина имитацияси жараёнида фойдаланишга мўлжалланган миқдорий моделидир.

Бу ўрганилаётган тизимнинг машина имитацияси жараёнида фойдаланишга мўлжалланган миқдорий модели ҳисобланиб, компьютер учун дастур вазифасини ҳам ўтайди.

Иқтисодий тизимларда имитацион моделлаш тизими структура ўзгаришлари ва такомиллаштиришларга боғлиқ расман миқдорий баён қилиб бўлмайдиган таклифларни тажриба усулида текшириш учун қўлланилади.

Аҳоли турмуш даражасини ҳудудий ривожлантириш жараёнларини имитация моделини яратишда, ахборотлар ва маълум моделлар асосида технологик жараёнларнинг математик моделларини яратиш, бошқарувчи таассуротларни ва уларни қўйилиш нуқталарини аниқлаш керак бўлади.

Бунинг учун;

➤ бошқариш қонуниятларини таҳлил қилиш ва уларни амалга ошириш алгоритмларини яратиш;

➤ олинган натижаларни тажрибавий моделлаштириш воситалари орқали таҳлил этиш керак бўлади;

➤ Иқтисодий имитация кўрсаткичларнинг қиймати динамик қаторлари моделлаштириш жараёнидан олдин таҳлил ўтказиши ва бу бир неча босқичлардан иборатдир:

➤ ишончлилики баҳолашни таъминловчи бошланғич маълумотларни тизимлаштириш, агрегирлаш ва дезагрегирлаш;

➤ қиймат кўрсаткичларини ягона қиёсланадиган нархларга келтириш, йўқ элементларни аниқлаш ва уларни тиклаш бўйича қарорга келиш, ўтказиб юборилган маълумотларни тиклаш;

- динамик қаторларнинг умумий тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш таркибий ўзгаришлар динамикаси, таҳлил қилинган кўрсаткичлар ҳисоби ва таҳлили;
- иқтисодий кўрсаткичлар алоқаларини баҳолаш;
- омиллар таҳлилини келтириш.

Аҳоли турмуш даражасини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар асосини махсус услуб ва усуллар ёрдамида ўтказиладиган иқтисодий ахборотлар таҳлили ташкил этади.

Математик ифода ва алгоритмлардан фойдаланиб, имитацион кўрсаткичлар ёрдамида аҳолини турмуш даражасини оширишни прогноз моделлари ва усуллари ишлаб чиқилади.

Аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш жараёнларини моделлаштиришнинг яна бир асосий жиҳати шундан иборатки, у истеъмол баҳоларининг нисбатан барқарорлиги нормал инфляция шароити ва режали иқтисод шартларини кўзда тутиб усуллар ва моделлар ишлаб чиқилган. Яъни бозор иқтисодига хос хусусиятлар, хусусан, баҳонинг нобарқарорлиги, талаб ва таклифларни тез ўзгартириб туриш ва бошқалар ҳисобга олинган.

Аҳоли турмуш даражасини такомиллаштиришнинг бошқарувини имитация моделини яратишнинг асосий мақсади ва мазмуни қуйидагилардан иборат:

- аҳоли турмуш даражаси ривожланиш жараёнларини прогноз қилиш;
- аҳолини тўлаш қобилятини аниқлаш;
- талабни тадқиқ қилиш;
- аҳоли турмуш даражаси тўғрисидаги ахборотлар ва маълум моделлар асосида технологик жараёнларнинг математик моделларини яратиш;
- бошқарувчи таассуротларни ва уларни қуйилиш нуқталарини аниқлаш;
- бошқариш қонуниятларини таҳлил қилиш ва уларни амалга ошириш алгоритмларини яратиш;
- олинган натижаларни тажрибавий моделлаштириш воситалари орқали таҳлил этиш;
- аҳолининг турмуш даражасини оширишга доир даромад шакллари, тадбирларни асослашдан иборат.

Тизимли ёндашув - аҳолини моддий аҳолининг ҳақиқий ҳолатини, имитация кўрсаткичлар пировард йиғиндисини маълум тизим ёрдамида модел билан ифодалашдир.

Имитация модели – бу ҳақиқий тизимларни тадқиқ қилиш учун уларнинг ўрнига қурилган, тизимнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи моделдир.

Бу моделдан фойдаланиб, ҳақиқий объект устида тажриба ўтказмасдан, турли синовлар ва натижаларни ўрганиш мумкин бўлади, айниқса, жараёнлар тасодифий табиатга эга бўлганда.

Аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш жараёнларини моделлаштиришда имитация моделини қўллашнинг асосий хусусиятлари ва иқтисодиётдаги аҳамияти:

- **Назарий асос:** Ҳақиқий тизимни таҳлил қилиш учун унинг ўрнига реал ҳаётни ўзида акс эттирувчи моделдан фойдаланилади.
- **Синовлар ўтказиш:** Моделда бир неча маротаба тажриба ўтказиш имконияти мавжуд, бу эса тизимнинг ишлашини кўп марта текширишга имкон беради.
- **Тасодифий омилларни ҳисобга олиш:** Жараёнлар тасодифий табиатга эга бўлса, натижалар ҳам тасодифий бўлади. Бу тасодифий ҳолатларни таҳлил қилиш орқали тизим ҳақида ишончли статистик маълумотлар олиш мумкин.

“Имитация” (симуляция) ўтказиш: Модел устида ўтказиладиган тажрибалар “имитация” деб аталади. Бу ҳақиқий объектга зарар етказмасдан ёки уни тўхтатмасдан, тизимнинг ишини ўрганишга ёрдам беради.

Аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш жараёнларини моделлаштиришда аҳоли даромади ва харажати балансини ўзаро боғлиқ бўлган имитация кўрсаткичлари схемаси 1-диаграммада берилган.



1-диаграмма. Аҳоли даромади ва харажати балансга келтиришнинг имитация тизимли таркиби

1-диаграммада келтирилган ҳар бир кўрсаткичлар миқдор ва қиймат сонларига эга бўлиб, меъёрий маълумотлар ва бозор шароитида кўп сонли омилларнинг борлигини инобатга олади.

Жараён моделини бошқаришда қарор қабул қилишга таъсир этувчи барча асосий омилларни етарли даражада баён қилади ва ўз ичига олади.

Бунда имитацион тажриба махсус уюштирилган ахборот тизимидан ташкил топиб, унинг ёрдамида турли синфларга таълуқли мураккаб иқтисодий объектлар тадқиқ қилинади. Бу турдаги автоматлаштирилган ахборот тизимида бир қанча тизимлар мавжуд. Бунда имитацион модел бир неча мустақил блоklarга бўлинади, уларнинг ўртасидаги ўзаро алоқа бир ёки бир неча қарор қабул қиладиган кишилар ҳаракатлари орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, аҳоли турмуш даражаси учун улар қисмларини тўлиқ прогнозлаб бўлмаслик туфайли барча бошқаришларнинг услубларини танлашни амалга ошириб бўлмайди, чунки бундай жараёнларни формаллаштирадиган алгоритмлар йўқ. Бундай

ҳолда дастурларга мурожаат қилиш керакли ахборотни олиш имконини беради. Бошқарувчи параметрнинг қиймати олинган, улар дастурга киритилади ва улардан имитацион модельнинг кейинги блоки бўйича ҳисоб-китобларда фойдаланилади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида зикр этилганларга асосан аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиш ва бошқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш ҳамда ўзаро таққослаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш катта ҳажмдаги ўзаро чамбарчас боғлиқ ахборотлар устида математик амалларни тез ва аниқ такрор-такрор бажаришни талаб этади. Бу амалларни оддий усуллар билан бажариш мутахассислардан ҳаддан ташқари кўп меҳнат қилишни ва вақт сарфлашни тақозо қилади. Шунинг учун бу жараёнларни моделлаштириш ва бошқарув параметрларини ўзгартириш, мумкин бўлган қийматлари чегарасида турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни алоҳида дастурларда ҳисоблаш муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Adabiyotlar/Lumepamypa/Reference:

- "Xalq so'zi", (2012) 7 yanvar. 1–bet.
- Muxammedov M.M., Pardaev M.Q., Zaynalov J.R., Aslanova D.H. va boshq. (2018) *Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik*. - T.: "Fan va texnologiyaliya", 125-bet.
- O'lmasov A., Vahobov A.V. (2006) *Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik*. - T.: "Sharq" nashriyot – matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 209-bet.
- Ozodbek, J. (2023). CREATING AN ACCEPTABLE INVESTMENT ENVIRONMENT IS ONE OF THE IMPORTANT CONDITIONS OF STATE POLICY. *British View*, 8(4).
- Ozodbek, J. (2023). IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY FOREIGN EXPERIENCE. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(7), 146-151.
- Qonun (2012) *O'zbekiston Respublikasining "Raqobat to'g'risida"gi Qonuni*. yil 6 yanvar, 319-sonli O'RQ.
- Qudratov G'H., Abdukarimov B.A., Pardayev M.Q. va boshqalar. (2016) *Savdo iqtisodiyoti muammolari: O'quv qo'llanma. Mualliflar jamoasi. O'quv qo'llanma*. - T.: "Iqtisod-Moliya", 460-bet.
- Shukhratovch, J. O. (2023). INVESTMENTS IN INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN: TRANSPORT NETWORKS, ENERGY, AND COMMUNICATIONS. *IJTIMOY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(5), 209-227.
- Хайек Ф.А. (2005) *Дорога к рабству М.: Новое издательство*, - 264 с
- Yusupov M.A., Ergashxodjaeva Sh.D. (2013) *Tovarlar va xizmatlar marketingi. O'quv qo'llanma*. -T.: TDIU, Iqtisodiet, 22-bet.
- Гапоненко А.Л., Панкрухин А.П. (2001) *Общий и специальный менеджмент. Учебник. Под ред.* - М.: РАГС.
- Сафиуллин Л.Н., Сафиуллин Н.З. (2008) *Конкурентоспособность: теория и методология/Монография.-Казань: Центр инновационных технологий.*
- Строгалева В.П., Толкачева И.О. (2008) *Имитационное моделирование*. - МГТУ им. Баумана, -С. 697-737. -ISBN 978-5-7038-3021-5.
- Фатхутдинов Р.А. (2008) *Управление конкурентоспособностью организацион. (3-е изд.) //Р. Фатхутдинов // -М.: Маркет ДС, - 432 с.*
- Хемди А. Таха. (2007) *Имитационное моделирование // Введение в исследование операций. Operations Research: An Introduction*. - 7-е изд. -М.: «Вильямс», - С. 697-737. — ISBN 0-13-032374-8.
- Яшин Н.С. (1997) *Конкурентоспособность промышленного предприятия: Методология, оценка, регулирование / Н.С. Яшин - Саратов: Изд. СГЭА.*